


Довонда автотранспорт воситаларнинг хавф-хатарсиз ўтишлари таъминланмоқда



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг маълумотида феврал ойининг охири ва март ойининг дастлабки кунларида республикада ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, ёгингарчиликлар бўлиши маълум қилинган.

Айни вақтда А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчиқ" довонидан кучли қор ёғмоқда. Қор қалин ёғаётгани учун йўлнинг кўриниши 100-50 метргача қисқарган. Ҳаво ҳарорати 6 даража совуқ. Қор қалинлиги йўл атрофида 40 сантиметрга, тоғ ён бағирларида эса 1,5 метрга етган.

Автомобиль йўллари кўмитаси таркибидаги "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан доволон йўллари қор ва музламадан мунтазам равишда тозалаш ишлар амалга оширилиб, ушбу ишларга 117 та техника ва 341 та ишчилар сафарбар қилинган ҳамда автомобиль йўлидаги музламаларни бартараф этиш учун 5306 тонна қум-туз аралашмаси сепиб чиқилган.



Ҳозирги вақтда йўлсозлар томонидан юртимиз аҳолиси ва меҳмонлари автотранспорт воситаларида доволондан хавф-хатарсиз ўтишлар учун яна кўшима чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Автомобиль йўллари кўмитаси

Матбуот хизмати